# БОШҚАРИЛАДИГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЯГОНА УМУМИТТИФОҚ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАМЛАКАТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА

# СССР ҲУКУМАТИНИНГ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Шу сабабли ҳукумат бундай таклифларни амалга оширишга рози бўла олмайди. Бундай қилиш масъулиятсиз чора бўлар эди. Позициялардаги ана шундай тафовут чоғида, бизнингча, ўзаро келишиш йўлини топиш қийин. Улардан бирини танлаб олиш керак.

Ўртоқлар!

Аграр секторда бозор муносабатларининг қарор топишига ёндашувда ҳукумат позицияси тўғрисида қисқача гапириб ўтмоқчиман. Унинг моҳияти қуйидагича.

Биринчидан, биз деҳқон хўжалиги, ерга хусусий мулкни жорий этиш ҳамда ер банклари системаси орқали ерни сотиш ва сотиб олишга рухсат этишга асосланган таклифларга қўшила олмаймиз. Тасдиқланмаган ҳисоб-китобларга ва фаразларга қараганда, бунда 1991 йилнинг 1 январидаёқ ҳар тўрт колхоз ва совхоздан бири инқирозга учраши мумкин.

Иттифоқ ҳукумати ҳозир ҳам, келгусида ҳам колхоз ва совхозни мустақил деҳқон хўжалигига қарама-қарши қўймаслик керак, деб ҳисоблайди. Энг асосий нарса қарама-қарши қўйишда эмас, балки ерда хўжалик юритиш шароитларини, бу шароитларни ишлаб чиқариш ва ўзга ширкатлар, мулкчиликнинг турли шакллари негизида оқилона ихтисослаштириш ва бирлаштириш орқали такомиллаштиришни деҳқоннинг ўзи танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлишидадир. Колхозлар ва совхозлар жамоат ишлаб чиқаришини деҳқон хўжалиги, турли ширкатлар ва аҳолининг шахсий хўжалиги билан оқилона қўшиб олиб бориш — бизнингча, кўп укладли аграр иқтисодиётнинг модели ана шундай бўлиши керак.

Иккинчидан, бизнингча, ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалигининг техника асосий турлари билан таъминланиш даражаси ҳақиқий эҳтиёжлардан ошиб кетади, деган қоида ва шуни ҳисобга олиб асосий ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишга ва эркин нархга ўтишга таклифлар асоссиздир.

Ҳукумат ўтиш даврида деҳқончилик-саноат комплексини машиналар ва ускуналарнинг асосий турлари билан марказлаштирилган тартибда белгилаб қўйиладиган улгуржи нархларда кафолатли таъминлашни сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Қишлоқ хўжалигини ва, айниқса, қайта ишловчи тармоқларни техника билан жадал таъминлаш манфаатларини кўзлаб, шунингдек, хўжаликларнинг манфаатларини техникани ишлаб чиқарувчилар зўравонлигидан, техника нархи назоратсиз қимматлашишидан ҳимоя қилиш зарурлиги муносабати билан, албатта, шундай қилиш керак.

Учинчидан, таклиф этилаётганидек, қишлоқни ижтимоий ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрликни деҳқон хўжаликлари ташкил этилаётган минтақаларга турли имтиёзлар беришдангина иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Муаммо анча теранроқдир. Айни шу соҳада ҳар бир жумҳуриятда, ўлка, вилоят ва районда мутлақо янгича ёндашувлар ва ечимлар, мувофиқлаштирилган ҳаракатлар ва комплекс дастурлар зарур.

Аслини олганда бу аграр сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўлиб, Иттифоқ ва жумҳурият ҳукуматларининг куч-ғайратлари ана шу сиёсатни амалга оширишга қаратилиши лозим.

Ўртоқ халқ депутатлари!

Бизнинг ҳаракат дастуримиз очиқ-ойдин иқтисодиётга, Ватан бозорини жаҳон бозори билан бирлаштиришга мўлжалланган. Ундаги асосий жиҳат — мамлакатда рақобат қилувчи хўжалик воситасини яратишдан, корхоналарнинг ташқи иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборат. Айни шу сабабли дастур Умумиттифоқ бозори, бож, валюта ва патент ҳудудлари бирлиги, хўжалик қонунлари негизларига асосланади. Сўмнинг янги мавқеини белгилаш, унинг алмаштириладиган бўлишига эришиш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ўзлаштириш ҳам шу мақсадларга бўйсундирилган.

Ана шу ёндашувларнинг ҳаммаси СССР Олий Советига тақдим этилган ва сизлар муҳокама қилишни бошлаб юборган янги бож, инвестиция ва валюта қонунлари лойиҳаларида акс этган.

Иккала дастурнинг ташқи иқтисодий бўлимларида ўхшашлик кўп, улар бирлаштирилиши мумкин. Тўғри, корхоналарнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, ўзлари ишлаб топган валютани тасарруф этиш ҳуқуқи чеклаб қўйилишига, амалий шерик сифатида Иттифоқнинг мақоми емирилиб кетишига, халқаро шартномаларимиз бутун системаси қадрсизланишига йўл қўймаслик учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ҳукумат дастурида чет эл сармояси асосан мулкчиликнинг турли шаклларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш секторига сарфланадиган капитал маблағ сифатида жалб этилади. Буни хориждаги савдо-саноат доиралари тушуниб кутиб олмоқдалар. Биз асосан ҳозирги эҳтиёж мақсадларини кўзловчи Ғарбнинг кўп миллиард пул ёрдамига умид қила олмаймиз. Шундай йўл билан бозор муносабатига ўтишнинг ижтимоий нархларини ташқи дунё зиммасига юклаш ғоят шубҳалидир. Ана шу қарзларни кейин қандай тўлаш ҳам равшан эмас.

Ниҳоят сўнгги, аммо моҳияти жиҳатидан муҳим масала. Ҳукумат янги иқтисодий моделга ўтиш дастурини таклиф этар экан, шунга асосланадики, белгиланаётган ўзгартишларнинг, бош мақсади — мамлакатимиздаги барча фуқароларнинг муносиб моддий ва маънавий турмуши учун имконият ва шароит яратишдир.

Шу сабабли аҳолининг асосий ижтимоий ҳуқуқлари амалга оширилиши ва у бозорнинг салбий кўринишларидан ҳимоя қилиниши кафолатларини таъминлайдиган чора-тадбирларнинг комплекс системаси ҳукумат дастурининг ўзак қисмидир.

Ана шу чора-тадбирларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ҳукумат бозор воситаларини шакллантиришнинг бошқа масалаларига нисбатан илдамроқ ишлаб чиқмоқда.

Энг аввало, муқим ижтимоий ҳодиса сифатида ишсизликнинг вужудга келишига йўл қўймаслик зарур. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ана шунга ёрдам бериши керак. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш эса унинг тузилмалари кескин равишда бузилишининг олдини олади. Аҳолининг меҳнат соҳасидаги энг муҳим ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларини мустаҳкамлаш учун аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар қонун асослари лойиҳаси ишлаб чиқилган ва СССР Олий Советига тақдим этилган.

Аҳолининг энг нозик гуруҳлари: пенсионерлар, болали оилалар, ногиронларнинг ижтимоий жиҳатдан кафолати ва уларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит системасини яратишга катта аҳамият берилмоқда, уларга нисбатан зарур чора-тадбирлар қабул қилинган қонунларда ва ҳукумат қарорларида кўзда тутилган. Ногиронларга келганда эса, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси сизнинг кўриб чиқишингиз учун киритилган.

Иттифоқ даражасида тегишли тўловлар ва имтиёзларнинг фақат базавий миқдорларинигина белгилаб қўйиш аҳолининг бундай табақалари учун кафолатлар системасини барпо этишнинг принципиал жиҳатидир. Бу бир томондан одамларнинг ижтимоий ишончини оширади, иккинчи томондан эса, ана шу тўловларни кўпайтиришда жумҳуриятларнинг имкониятларини чеклаб қўймайди.

Ўз-ўзидан равшанки, пулнинг қадрсизланиш жараёнлари кучайган тақдирда ҳам аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда. Нарх-навони бир йўла ошириш натижасида кўриладиган зарарни фуқароларга тўла-тўкис тўлаш ва буни шу йилнинг декабридаёқ амалга ошириш лозимлигига биз қатъий ишонамиз.

Ҳукумат дастурини ишлаб чиқиш чоғида иттифоқдош жумҳуриятларнинг истеъмолнинг амалда таркиб топган даражасига мувофиқ ана шу товоннинг бутун пулини уларга топшириш тўғрисидаги таклифлари ҳисобга олинди. Бу маблағни аҳолининг турли табақалари ўртасида қандай тақсимлашни жумҳуриятларнинг ўзлари ҳал қиладилар.

Бунинг устига, нарх ошгани учун товон фақат кундалик даромадларга қўшимча белгилаш орқали эмас, шу билан бирга жамғарма банкларига қўйилган пулларни ва суғурта бадалларини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, қимматбаҳо қоғозларнинг унга ёзиб қўйилган қийматини ўзгартириш ҳисобига ҳам тўланади. Нарх-навонинг кундалик ўсиши билан боғлиқ кўриладиган зарарларни қоплаш учун аҳоли даромадларининг СССР тегишли қонунлари билан тартибга солиб туриладиган индексациясини жорий этиш, шунингдек, жамғармалар ва қимматли қоғозларга тўланадиган фойда миқдорини ўзгартириш кўзда тутилади.

Аҳолининг ҳаётий муҳим эҳтиёжларининг қондирилишнинг ижтимоий жиҳатдан ишончли кафолатланишини таъминлаш мақсадида маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат каби тармоқларнинг барқарор ишлаши учун шарт-шароит яратиш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бу тармоқларнинг иқтисодий базасига путур етказмаслиги, уларда банд бўлган ходимлар сифатли меҳнат қила олишлари ва ижодий изланиш билан шуғуллана олишлари зарур.

Бу соҳа асосан тижорат қоидалари асосида ишлашига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу айниқса, маданият ва санъат учун хавфлидир. Чунки фойда кетидан қувиш сўзсиз равишда маданият ва санъатнинг маънавий-эстетик даражаси пасайиб кетишига олиб боради.

Шу сабабли ана шу ноишлаб чиқариш соҳаларини барча бюджетлар маблағлари ҳисобидан тобора кўпроқ қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг бадалларидан ҳамда аҳоли хайрияларидан ташкил топадиган махсус тармоқ жамғармаларини вужудга келтириш кўзда тутилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтишнинг энг муҳим муаммоларига принципиал ёндашувлар ана шундан иборат бўлиб, уларнинг тўғрилигига ҳукумат ишонади ва бу ёндашувларни ҳимоя қилади.

Биз буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинади ҳамда бозор муносабатларига ўтишнинг реал Умумиттифоқ дастурини ишлаб чиқишга имкон беради, деб умид қиламиз.

Ўртоқ халқ депутатлари!

Фақат халқнинг ишончи ва мададига таяниб, барча фаол ижтимоий-сиёсий кучларнинг аҳиллиги асосида тангликдан чиқиш мумкин. Лекин бунда зарур ваколатларга эга бўлган доимий ва таъсирчан идора қилувчи ҳокимият зарур. Шу муносабат билан мамлакат ҳукуматининг бошлиғи сифатида бутун масъулиятни зиммага олиб, СССР Олий Советига ва бутун халққа очиғини айтишим керак: йўл қўйиб бўлмайдиган вазият вужудга келди, айрим сиёсий арбоблар пировард мақсади ҳукумат истеъфо беришига эришишдан иборат бўлган ҳужумлар ва чалғитиш кампаниясини ташкил этдилар. Бу эса жамиятдаги беқарор вазиятни кучайтирмоқда. Ҳукуматни нима қилишни сизлар ҳал қиласизлар. Уни ёки алмаштириш керак ёки олдинда турган вазифаларни ҳал этишда ҳукуматни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак.

Нутқимни туғаллар эканман, шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳозирги пайтда иқтисодиётни барқарор қилишдан, мамлакатни тангликдан олиб чиқишдан манфаатдор бўлган барча соғлом кучларнинг жипслашиши ва бирлашиши ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бу соҳада сиёсий нафсониятлар ва гуруҳларнинг манфаатларига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз бозор муносабатларига ўтишнинг ягона Умумиттифоқ дастурини ишлаб чиқишни тезроқ туғаллашимиз ва халқнинг мадади билан уни амалга оширишга қатъий киришишимиз шарт.

## ВАҚТ ҒАНИМАТ, ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК!

(Боши 1-бетда).

Чунончи, Андижон вилояти хўжаликларида бир агрегат билан 9 гектар, Наманган областида 10 гектарга яқин ерга ишлов бериляпти, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич ўн икки гектардан ошмаяпти. Ҳолбуки, эрталабдан кечгача ҳар бир агрегат билан камида 20—22 гектар ер дориланиши керак.

Деҳқончилик тартиб-қоидалари бузилмоқда — барг тўктирадиган моддаларни сарфлаш нормалари камайтирилмоқда. Шунинг натижасида пахтаси чамандек очилиб турган кўпгина майдонларга машиналар кира олмаяпти: ғўза барги тўкилмаган, қайтадан дорилаш керак бўлади.

10 сентябрга қадар пахта теримида тўрт юз мингга яқин киши қатнашди, ҳолбуки, бу муҳим ишга уч ҳисса кўп теримчини жалб қилиш учун ҳамма имкониятлар бор. Чунончи, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 6—8 минг кишигина далага чиқмоқда... Ҳар бир теримчи ҳисобига терилган ўртача пахта 40—48 килограммдан ошмаяпти, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида эса ҳар бир киши атиги 65 килограммдан пахта теряпти. Бу эса жумҳуриятдаги ўртача кўрсаткичдан 1,5—2 баравар кам.

Аввалги йилларда бўлгани каби бир қанча хўжаликларда яна теримчилар учун дуруст шароит яратиб берилмаган. Сурхондарё областида дала шийпонларининг бор-йўғи 70 фоизи, Фарғона вилоятида 75 фоизи тузатилган. Бу жойларда аёллар айниқса қийналишмоқда. Терилган пахтани эса кўпинча терим жойидан 1—1,5 километр нарига кўтариб бориб топшириш керак.

Пахта теримида меҳнат ҳақини тўлаш тартибини бузиш ҳоллари аниқланди. Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятларининг бир қанча хўжаликларида терилган пахта учун камроқ ҳақ тўланган. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермаслиги равшан.

Министрлар Кенгаши Совет ва қишлоқ хўжалик идоралари бир қанча раҳбарларининг диққат-эътиборини ғўза баргини тўктиришни ташкил этишдаги, пахта териш машиналари ва бошқа механизмларни тузатиш ва тайёрлашни туғаллашдаги, терилган пахта учун тўла ҳақ тўланишини таъминлашдаги камчиликларга қаратди.

Министрлар Кенгаши хўжаликларга ва пахта тераётган қишлоқ аҳолисига ёрдам бериш учун кечиктириб бўлмайдиган бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблади. Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари давлат комитетининг раҳбарларига хўжаликларни бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида кўрсатма берилди. Жумҳурият Автомобиль транспорти министрлигининг терилган пахтани тайёрлов пунктларига ва пахта заводларига ташиб бериш учун прицепли 600 та машинани юбориш ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Пахта теримини қисқа муддатларда ўтказишга, теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб зарур одамларни ва техника воситаларини сафарбар этишга мажлис қатнашчиларининг алоҳида эътибори қаратилди. Мана шундай қилингандагина ҳосилни биринчи навлар билан тўла-тўкис териб олиш ва юксак иқтисодий самарадорликни таъминлаш мумкин. Дастлабки кунлардан бошлаб терилган пахта учун оширилган ҳақни ҳамма жойда жорий этиш ҳам зарур, пахтанинг сифатини яхшилаш, уни сотишдан кўпроқ пул олиш ҳисобига бу ҳаражатларнинг ўрни ортиғи билан қопланиб кетади. Чунки биринчи ва иккинчи нав пахта ҳар тоннаси қийматидаги тафовут 100 сўмдан, учинчи нав пахтанинг қийматидаги тафовут эса 200 сўмдан ошади.

Пахта териш кампаниясида қатнашаётган аҳолига савдо хизматини яхшилаш юзасидан Ўзбекбирлашув билан Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг тадбирлари маъқулланди. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига ҳам шундай тавсиялар берилди.

Қишлоқ жойлардаги маданият масканлари ишини тубдан яхшилаш зарурлиги таъкидланди. Жумҳурият маданият масканлари ишини тубдан яхшилаш зарурлиги таъкидланди. Жумҳурият Маданият вазирлиги, Кинопрокат, Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети қишлоқ меҳнатчиларининг талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришлари керак. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббий хизматни ва аввало касалликларнинг олдини олишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуини амалга ошириш топширилди.

Вилоятларнинг ижроия комитетларига, Ўзбекистон Давлат банкига, Ўзбекистон ССР Молия министрлигига терим конвейерининг барча бўғинларидаги меҳнат учун ўз вақтида ва тўла-тўкис ҳақ тўланишини қаттиқ назорат қилишни таъминлаш таклиф этилди. Терим илғорларини рағбатлантириш мақсадида харидоргир моллар, шу жумладан енгил автомобиллар, тикув машиналари, гиламлар, чинни идишлар, газламалар, компакт-кассеталарнинг фондлари ажратилади.

Жумҳурият оммавий ахборот воситаларига терим ишлари қандай бораётганини кенг ёритиш — меҳнатдаги ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, ютуқларни оммалаштириш ва илғорларнинг тажрибасини кўрсатиб бериш, нуқсонларни аниқлаб, тугатишга кўмаклашиш тавсия этилди.

Терим ишларини уюштиришда амалий ёрдам бериш учун вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, жамоат ташкилотларининг бир гуруҳ раҳбарларини жойларга юборишга қарор қилинди.

Вазифа — теримда унумли фойдаланилган ҳар кун пахтанинг миқдорига барака, сифатига сифат қўшажагини, бинобарин, жумҳурият иқтисодиётини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга қўшимча ҳисса эканини эсда тутиб қулай имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишдан иборат.

Министрлар Кенгаши ҳайъатининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

**(ЎзТАГ мухбири).**

## КАҲРАБО ДОН ТОПШИРИЛМОҚДА

**Ульянов районидаги СССР 60 йиллиги номли совхознинг Н. Худойбердиев бошлиқ ижарачилар бригадаси ўзига бириктирилган қирқ гектар майдондаги маккажўхорини йиғиштириб олиш учун бир ҳафтадан камроқ вақт керак бўлди. Чўлкуварларнинг муваффақияти бежиз эмас: ишнинг яхши ташкил қилиниши ҳамда тажрибали механизатор Б. Бозоровнинг фидокорона меҳнати бунга асос бўлди.**

**Ҳозир Қашқадарё вилоятининг барча районларида дон учун етиштирилган маккажўхори ўриб олинмоқда. Бу йил қарийб тўрт минг гектар ерга маккажўхори экилган. Маккажўхорикорлар шу майдонлардан 14 минг тоннагача «каҳрабо дон» олишни режалаштиришмоқдалар. Ҳосилнинг қарийб ярми давлат буюртмаси ҳисобига топширилади, қолган қисмини хўжаликлар уруғлик ва озуқа фонди учун олиб қўядилар.**



**Зинаида Петровна Набиулина ва Саловат Аҳтамова чорак асрдирки Сирдарё районидаги «Малик» давлат хўжалиги сут-товар фермасида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг қарамоғида 25 бошдан соғин сигир бор. Ўз ишининг усталари ҳар бош говмишдан кунига 12—13 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишаяпти.**

**СУРАТДА: пешқадам сигирсоғарлар З. Набиулина ва С. Аҳтамова.**

А. КЎЧИЕВ олган сурат.

## ПОЕЗД ШИМОЛГА ЙЎЛ ОЛДИ

**Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозидан Ленинградга ва Олтой ўлкасига узум ортилган дастлабки рефрижератор-вагонлар жўнатилди.**

**Бу йилги мавсумда хўжалик жамоаси ўзи етиштирган маҳсулотни бевосита шартномаларга кўра етказиб бериш имкониятидан тўла-тўкис фойдаланади. Павлодарликлар 110 тонна, пермликлар эса юз тонна узум олишади. Ҳаммаси бўлиб эса совхоз узумчилари жумҳуриятдан ташқарига ўзлари етиштирган минг тоннадан кўпроқ маҳсулотни жўнатадилар.**

**Деҳқонлар ўз юртдошларини таъминлашни ҳам унутишмаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ совхоз Термиз шаҳар савдосига ўн тонна олхўри ва тўрт тонна олма етказиб берди. Беш тонна олма район маркази аҳолисига сотилди.**

*Мутахассис маслаҳати*

## Соҳибкорнинг бугунги юмуши

Жумҳуриятимизнинг қатор хўжаликларида бу йил соҳибкорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мўл узум етиштирилди. Бу албатта ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Токзорлар қишдан яхши чиқди. Ниҳоллар ўз вақтида тупроқдан очилиб, ишком, сўри ва симбағазларга бир текис қилиб таралди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, баҳор серёғин кечди. Натижада соҳибкорлар кўклам ва ёз мобайнида бирмунча қўшимча тадбирларни ўтказишларига тўғри келди.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти об-ҳавони текшириш станциясининг маълумотларига қараганда, 1990 йилнинг апрель ойида 1989 йилнинг шу даврига нисбатан 3 марта кўп, яъни 37,1 миллиметр ўрнига 127,7 миллиметр ёмғир ёғди. Ҳаво намлиги 10—15 фоиздан зиёдни ташкил этди. Май ойида, июннинг биринчи ва иккинчи, июлнинг иккинчи ўн кунликларида ҳам нам миқдори юқори бўлди. Бу ҳол кўпчилик хўжаликларнинг токзорларида новдаларнинг кучли ўсишига, ҳатто қуюқлашиб кетишига олиб келди. Оқибатда кул касаллиги кенг тарқалди. Бунинг олдини олиш мақсадида институтнинг илмий ходимлари газета саҳифаларида қатор мақолалар эълон қилишди, радио ва телевидение орқали чиқишлар уюштиришди. Айни пайтда хўжаликларнинг мутахассислари, соҳибкорлар шўра, ғўра хомтокларни, чилпиш ишларини ўз вақтида ўтказдилар, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чораларини кўрдилар. Лекин юқорида қайд этилган тадбирлар бутунлай ўтказилмаган ёки бир марта наридан-бери амалга оширилган токзорларда (айниқса кечпишар ток тупларида) узум боши қорайиб кетмоқда. Новдалар қалин, ортиқча барглардан тозаланмаган жойларда эса қуёш нурининг яхши тушмаслиги, шамол ўтиши ёмонлашганлиги натижасида ғужумлар рангсиз, етарли миқдорда қанд моддаси тўпланмаяпти.

Қисман бўлса-да, бундай йўқотишларга барҳам бериш учун ҳозир кечиктириб бўлмайдиган чораларни рўёбга чиқариш даркор. Аввало зарарланган ғужумларни ёки шингилларни узиб олиб, соғлом қисмини қабул пунктларига дарҳол жўнатиш лозим. Узумнинг қанд тўплаши, новдаларнинг яхши чиниқиб пишишини таъминлаш мақсадида соя-салқин берадиган ортиқча новдалар ва барглар юлиб ташланади. Қишга сақланадиган ҳосилни рангдор ва ширадор қилиш учун одатда тажрибали соҳибкорлар уни узишдан олдин пахтабарг ўтказадилар. Бунда асосан узум бошлари офтоб туширмайдиган барглардан озод қилинади, симбағазлардан ортиқча ўсиб кетган новдаларнинг учки қисми чилпилади. Майизбоп неъматни эса тезроқ териб олиб, қуритиш ишларини жадаллаштириш талаб этилади.

Шу билан биргаликда келгуси йил ҳосилига ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўриш керак. Ерости суви юзага яқин, оби-тобида суғорилган токзорларда ҳосилни саранжомлашдан 2—3 ҳафта аввал оби ҳаёт тараш тўхтатилади. Кечки сув, биринчидан, ток новдаларини ўстириб юборса, иккинчидан, унинг қишга физиологик чиниқиш жараёнини тезлаштириб юборади. Натижада совуққа чидамсиз бўлиб қолади. Серсув токзорларда узум бошларида қанд моддаси камайиб кетади. Бундай ҳосил махсус биноларда сақланган тақдирда ҳам узоқ турмайди, сифати бузилади.

Маълумки, ҳар йили жумҳуриятимизда токларни қирқиш мобайнида 40—50 миллион донадан зиёд қаламчалар тайёрланади. Улар яхши етилган, зарарланмаган новдалардан олинса, кўчат тез тутади, барвақт ҳосилга киради. Зеро, шу куннинг энг масъулиятли ишларидан бири токларни ўз вақтида қирқиш, уларга шакл бериш ва кўмишдан иборатдир. Бу юмушларни эртаги, ўртаги нав экилган токзорларда сентябрнинг учинчи ўн кунлигидан бошлаш, кечкипишар токзорларда эса октябрь ойи давомида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Лекин бу муҳим тадбир ҳар хил сабабларга кўра кечиктириб юборилиши оқибатида айрим йиллари эрта кузда тушган совуқ таъсирида мева берадиган куртаклар, ҳатто бир йиллик новдалар кучли зарарланмоқда. Натижада ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлаяпти. Бунга асло йўл қўймаслик лозим.

Икки оғиз токларнинг ёшига, жойлашишига қараб қирқиш ҳақида. Ниҳолнинг ҳосилга барвақт кириши, яхши самара бериши бу юмушни тўғри бажаришга боғлиқ. Ҳосилга кирмаган ёш токлар кузда кесилмасдан кўмилади. Уларга эрта баҳорда шакл берилади. Тўлиқ ҳосилга кирган ва 3х2,5, 3х2, 2,5х2 метрли тартибда экилган, симбағазларга таралиб ўстирилган ток тупида 150—200 та куртак қолдирилади. Унинг 15—20 фоизи кўзли бўлиши зарур. Шундай қилинганда токни кўмиш, очиш ва симбағазларга кўтаришда қисман новдаларнинг жароҳатланиши натижасида куртакларнинг нобуд бўлишининг олди олинади.

Бизнинг бирлашма тажрибаларига қараганда бир гектар суғориладиган бўз тупроқли ердаги 4 яшар ток йилига 26,6 килограмм азот, 11 килограмм фосфор ва 26 килограмм калий ўзлаштиради. Гектар ҳисобига 200—300 центнер маҳсулот олинганда, токларнинг ўсиши ва ҳосил тўплашига 89—102 килограмм азот, 38—46 килограмм фосфор, 190—223 килограмм калий сарфланади. Демак, юқори самарадорликка эришиш учун ерга қўшимча равишда шундай ўғитлар солиниши зарур. Озиқлантириш асосан икки марта ўтказилади. Биринчиси октябрь ва ноябрь ойларида амалга оширилади. Бунда ток қатор ораларини шудгорлашдан олдин гектарига камида 10—15 тонна гўнг, 80—100 килограмм фосфор, 60—80 килограмм соф калий аралашмаси ишлатилади. Чуқурлик нормаси — 30—35 сантиметр. Шундай қилинганда уларнинг ўсимликка таъсири бирмунча ортади.

Токзорлар хатосини тўлдиришда кузда яхши ўсган новдаларни кўчат йўқ томонга пархиш қилиш яхши самара беради. Она ток тупидан ажратилган новдани ерга кўмиш учун 50—60 сантиметр чуқурликда ариқ олинади. Унга бир текис қилиб ётқизилади. Уч томонида икки-учта куртак қолдирилиб, бир-бир ярим метр узунликдаги қозиққа боғлаб қўйилади, сўнгра кўмилади. Сабаби — пархиш кўзга ташланиб туради, уни кўкламда очиш, қўшимча суғориш имкони туғилади. Бир йил ўтгач, баҳорда у она тупдан қирқилади. Шунда пархиш мустақил илдиз отиб ўсади.

Айрим токзорларда ондасонда бўлса-да, девпечакнинг тарқалгани кўзга ташланмоқда. Кесишда ундан тозалаш, четга чиқариб ёндириб юбориш лозим. Рак касали билан зарарланган новдалар ҳам шундай қилинади. Бактериал рак билан касалланган токка эса қирқишдан кейин 1,5—2 фоизли ДНОК сепилади. Бундай дори бўлмаган хўжаликларда 5 фоизли мис кукуни ёки 5 фоизли бордос суюқлиги (100 литр сувга 5 килограмм препарат солинади) билан ишлов берилади. 3 фоизли нитрофан (100 литр сувга 2 килограмм препарат) ишлатиш ҳам яхши натижа беради. Кул касаллиги билан кучли зарарланган токзорларни қирқиб, кўмиш олдидан 5 даражали олтингугурт ва оҳак қайнатмаси (ИСО)ни қўллаш тавсия этилади.

Булардан ташқари, куз ойларида соҳибкорлар олдида янги токзорлар барпо қилинадиган майдонларнинг шўрини ювиш, ерости сувини камайтириш мақсадида зовур ва коллекторлар қазиш, иҳотазорлар ташкил этиш, яхшилаб текисланган ерларга гектар ҳисобига 30—40 тонна органик ўғит, 150—200 килограммдан соф фосфор ва калий аралашмаси солиш, карталарни 50—60 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, ток кўчати экишга ҳозирлаш каби юмушлар турибдики, барисини ўз вақтида, сифатли бажариш бўлғуси мўл ҳосилга мустаҳкам тамал яратади.

**М. МИРЗАЕВ,**
**Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, ВАСХНИЛ академиги.**
**Ю. ЖАВАКЯНЦ,**
**М. СОБИРОВ,**
**У. НАБИЕВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари.**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Мухтор жумҳурият ҳукуматининг қарорига биноан «Каракалпокгражданпроект» лойиҳа институти ташкил қилинаяпти. «Узнинпградостроительство»нинг филиали негизида барпо этилмоқда. Бу институтни ташкил қилиш Қорақалпоғистон АССРда қурилиш, меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасида ягона техник сиёсатни муваффақият билан олиб боришга ёрдам беради. Келаси йил учун лойиҳа-тадқиқот ишларининг асосий план кўрсаткичлари тасдиқланди. Дастлабки пайтларда Нукус шаҳар ижроия комитетининг биноларини ижарага олиб туришга қарор қилинди, келаси йили эса ўзлари учун бино, шунингдек ходимлар ва таклиф қилинган мутахассислар учун уй қуриш мўлжалланган.

* * *

«Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқилган ва жорий этилган махсус препаратлар аллергиянинг қўзғалишига нималар сабаб бўлишини аниқлашда ёрдам беради. Масалан, бу моддаларнинг пахтадан тайёрланганлари пахта толаси ёки унинг гуллари таъсирига ҳаддан зиёд сезгир кишиларни аниқлаш имконини беради. Демак, шифокорлар бундай одамларга пахтазорларда ишлашни тавсия этишмайди. Бирлашмада одамлар организмининг ипак қурти пилласига, тамакига, дуккакли ва бошқа экинларга реакциясини аниқлаш учун мўлжалланган препаратлар тайёрланди.

* * *

Гулистон санитария-эпидемиология станциясининг ходимлари билан шифокорлар сариқ касалига қарши тадбир уюштирдилар. Улар биргаликда куч-ғайрат сарфлаб уч ёшгача бўлган болаларни оммавий равишда текширувдан ўтказиб, эмладилар. Бу иш кузнинг бошланишида қилинишин бежиз эмас — одатда айни шу пайтда вирусли гепатит касали айниқса кенг тарқалади.

* * *

Андижон вилоятидан тўпланган 60 нафар йигит ва қиз Куйбишев машинасозлик техникумининг Марҳамат шаҳрида очилган филиалининг дастлабки талабалари бўлишди. Бу ўқув юрти шу йил бошларида Марҳамат шаҳрида ташкил қилинган 26-давлат подшипник заводи маъмуриятининг ташаббуси билан очилди. Куйбишев техникумининг филиали аввало ана шу корхона учун мутахассислар тайёрлаб беради.

* * *

Сирдарё вилоятидаги В. Ульянов номли болалар касалхонасида кичик беморларни доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланган дори-дармонлар ёрдамида даволай бошладилар. Бу ерда махсус фитотерапия хонаси очилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника институти олимларининг тавсиясига кўра, касалхона ҳудудида барпо этилган ажойиб боғ ҳам бу ерда шифобахш ҳисобланади. Бу табобат муассасасида бир йўла 50 тонна маҳсулот сақлаш мумкин бўлган сабзавот омбори ва иссиқхона бор. Мазкур иссиқхона бутун йил давомида беморларни янги узилган сабзавот ва мевалар билан таъминлаб туриш имконини беради.

* * *

Тошкент дорулфунуни янги соҳа— халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассисларини тайёрлай бошлади. Бўлажак халқаро-иқтисодчилар бу бўлимга фалсафа-иқтисод ҳамда шарқшунослик факультетларидан келдилар. Бу иш иқтисодий мустақиллик йўлини тутаётган Ўзбекистонга шу соҳа мутахассислари жуда зарурлиги туфайли қилинди.

Умуман эса бу йил икки мингдан зиёд йигит ва қиз, шу жумладан кўпгина иттифоқдош жумҳуриятлардан келган ёшлар дорулфунунда ўқий бошлашди. Мазкур олий ўқув юртининг 16 та факультетида ҳозир жами 40 миллатга мансуб 20 мингдан зиёд талаба, шунингдек жаҳондаги 35 мамлакат вакиллари таҳсил олмоқда.

(ЎзТАГ).

*Санъат оламида*

# ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ

Саратон туни. Кундузги жазирамада турли юмуш ва кундалик ташвишлар билан андармон бўлиб ҳориган одамлар пинакка кетишган. Сокинлик қаъридан фақат Бўзсувнинг шилдирашигина қулоққа чалинади. Баланд соҳилдаги дарахтлар билан чулғанган, бирбирига айқаш-уйқаш бўлиб кўринаётган кичик-кичик хонадонларнинг фақат битта деразасида чироқ ёниқ. Ёш мусаввир кўплаб бедор ўтказган тунлар эвазига дунёга келган янги тасвир асарига чарчоқли нигоҳини қадаб, камчиликларини топишга ҳаракат қилади. Ниҳоят кўнгли тўлди шекилли чеҳраси ёришди. Мўйқаламини оҳиста қўяр экан, фикрини эртанги бажарилажак ижодий ишлар режаси банд эта бошлади...



Қарийб етти йилдан буён бадиий плакат соҳасида мунтазам изланиб, 1985 йилдан бошлаб ўз асарлари билан жумҳурият, Бутуниттифоқ ҳамда халқаро танлов ва кўргазмаларда қатнашиб келаётган Неъмат Ҳакимовнинг санъатнинг сеҳрли оламига кириб келиши, маълум даражада муваффақиятларга эришиши осон кечмади, албатта. Акаси Фозилжон чизган суратларни ҳайрат билан томоша қилишни яхши кўрувчи Неъмат аста-секин атрофидаги буюмларни ва мурғак тасаввурида пайдо бўлган таассуротларни қоғозга муҳрлашга интила бошлади. Нурота райони марказидаги у илм олган мактабда расм чизишдан сабоқ берган Муҳаммад Ҳамидов эса бўлажак рассомнинг қизиқиши орзуга айланиши ва қанотланишида муҳим роль ўйнади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий-графика куллиётида СССР Рассомлар уюшмасининг аъзолари, ҳайкалтарош А. Бойматов, санъатшунос Н. Абдуллаев, ранг-тасвирчи Я. Салпинкиди, бадиий плакат устаси Н. Тен ва бошқа муаллимлардан олган билимлари ҳамда рассомчиликка бўлган иштиёқи тез орада мустақил иш билан шуғулланишига асос бўлди.

«Ўқишни битириб институтда ранг-тасвирдан дарс бериб юрган кезларим биринчи маротаба рассомлар уюшмасининг плакат бўлимига боришимга ва бадиий ижод билан жиддий шуғулланишимга маънавий рағбатлантирган устозим Н. Абдуллаев саъй-ҳаракатини ҳеч унутмасам керак. Чунки у киши мен ва дўстларим А. Нурқобилов ва Э. Абдуллаевни уюшма машғулотларига илк марта олиб борган эди», — деб эслайди ёш ижодкор.

Уюшмадаги самимий ижодий муҳит, маҳоратли мусаввирлар Ф. Кагаров, Г. Ткачёв, Р. Алиев, М. Громико ҳамда ўз тенгдошларидан Ҳ. Ҳасанов, Р. Халилов, А. Нурқобилов, А. Зиёев, Э. Абдуллаев билан мулоқот, баҳс-мунозаралар ва мустақил фикрлаш, изланиш жараёни Неъмат Ҳакимов ижодининг шаклланишида катта аҳамият касб этди ва кўплаб асарлар яратишга йўл очди. Натижада унинг «Гиёвандлик ўз бошингга етади», «Ўзаро ҳамжиҳатлик — тинчлик гарови», «Ичкиликбозлик — жиноят», «Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз», «Уйингизга — тинчлик» каби асарлари мутахассислар ва санъат ихлосмандларига манзур бўлди.

Бир қанча бадиий баркамол намуналари «Ўзбекистон», «Медицина» нашриётларида кўп нусхаларда чоп этилди. Мусаввир асарлари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ҳудудий кўрик-танловининг рағбатлантирувчи ҳамда жумҳурият плакатлар кўригининг учинчи мукофотига сазовор бўлди.

Ўтган йили Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг плакат бўлимида Неъмат Ҳакимовнинг ижодий ҳисоботи уюштирилди. Йиғилганлар ўз ҳамкасблари 2 ой давомида Москва вилоятидаги «Сенеж» ижод уйида яратиб келган кўплаб плакат намуналарини ва график чизгиларни кўриб, қизғин муҳокама қилдилар.

Мусаввирнинг «Яккаҳокимлик» сатирик плакати мавзу жиҳатидан долзарблиги ҳамда кескин образлилиги билан эътиборга лойиқ. Асарда жумҳуриятимиз қишлоқ аҳлининг пахта яккаҳокимлиги исканжасида қолганлиги таъсирчан чизгилар ва қуюқ бўёқлар орқали ифодаланган. Тасвир сизни халқ тақдири, келажаги устида чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Асарни кузатар экансиз, деҳқон оиласининг фаровон турмуш кечиришига тўсиқ бўлиб келаётган қусурлар ҳақида ўйлашга, куюнишга мажбур бўласиз, кўп нарсаларни англаб етасиз. Маънавий, маърифий, ахлоқий қадриятлар сусайиши мазмунини ҳамда экологик фожиаларнинг сабабларини, байналмилалликдаги бузилишларнинг туб моҳиятини уқиб олишга ундовчи фикрлар уммонига шўнғийсиз...

Ҳа! Болалар ўлими кўплиги, Орол қуриётганлиги, маънавий қашшоқлик, юпун, ярим оч ҳаёт кечиришга пахта яккаҳокимлиги сабаб эканлиги эндиликда барчага аён ҳақиқат.

Бадиий асар композиция қурилиши ва тасвир воситалари жиҳатидан ўзига хос тарзда, кўп маъноли фикрни мужассамлаган яхлит чизги сифатида ҳал этилган. Унда пахтанинг яккаҳокимлиги тушунчаси нархи паст, меҳнати оғир, ғалваси кўп эканлиги рамзий образ — боши фақат мия кўринишидаги пахта билан тўлган, шу туфайли барча ижтимоий ва маданий бойликлардан маҳрум бўлган кишининг пахта чаноғига ўхшатиб чизилганлиги, унинг ичи пахтадан бўлак нарсани сиғдира олмаслиги, бошқа ҳаёт неъматлари ҳақида ўйлашга ҳоли ҳам, хоҳиши ҳам йўқлиги, тирикчилик ташвишлари эзиб қўйганлиги ўткир сатирик тарзда кўрсатилади.



Мусаввирнинг ушбу асари 1989 йили Ленинградда ўтказилган «Виждон» номли танловда яхши деб топилиб, халқаро кўргазмада, бу йил ёзда эса Англиянинг Манчестр шаҳрида ўтказилган Санъат фестивалида намойиш этилди.

Алишер Навоий портрет-плакатини рассом узоқ изланишлар натижасида алоҳида эътибор, меҳр-иштиёқ ва ифтихор билан яратган. Унда бобокалон шоир, мутафаккир, давлат арбоби чеҳрасидан нур ёғилиб турган нуроний қиёфада акс эттирилган. Тасвирда қўлланган зангори, ложувард, нилий, нимпушти, зарғалдоқ ва оч жигарранг, яшил бўёқлар туси аниқ, мукаммал чизгилар билан уйғунлашиб кетган. Дастгоҳли рангтасвир ва айни пайтда плакат санъатига хос бўлган бадиий унсурлар мажмуасидан фойдаланиб яхлит услубга солинган. Ҳошияларига уч тил имлосида гўзал ҳуснихат билан «Алишер Навоий» деб ёзилган. Шарқ миниатюраси анъаналаридан, унинг тасвирий воситаларидан ҳам ўринли фойдаланилган. Оқ ва зангори ранглар кўпроқ берилгани асарга ўзгача сокинлик, вазминлик хислатларини бахш этган.

Ҳазрат Алишер Навоий чеҳрасига разм солар экансиз, унинг беғубор кўзларидан ёғилиб турган самимийлик учқунларини илғагандек, асрлар оша ташланган нигоҳнинг синовчан назарини ҳис этгандек бўласиз. Унинг бир неча мусаввирлар яратган қиёфалари тасвирини илгари неча марталаб кўрган бўлсангиз-да, қаршингиздаги бу асарда шоирнинг ўзига ўхшатиб ишланган сиймоси акс эттирилганлигига шак-шубҳа қилмайсиз. Бу эса ижодкорнинг образ яратиш устида наҳадар масъулият билан кўп ва хўп изланганлигининг исботидир. Яқинда портрет Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб «Китобхон» жамияти томонидан «Ўзбекистон» нашриётида кўп минг нусхада чоп этилди.



Н. Ҳакимов ижодий имкониятларининг яна бир қирраси намоён бўлаётган тасвирий санъат тури ҳайкалтарошликдир.

— Бу борадаги қизиқишларим амалий фаолиятга айланишида устозим, таниқли ҳайкалтарош Абдумўмин Бойматовнинг ўгитлари катта ёрдам берди, — деб таъкидлайди у.

Машқларининг аксарияти ҳали кенг жамоатчиликка ҳавола этилмаган бўлса-да, баъзи бирлари анча мукаммаллигидан эътибор қозонди. 1985 йили яратган А. Қодирий бюсти жумҳурият маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Тошкент бўлимига қарашли Тарғибот уйи жойлашган Абулқосим мадрасасининг улуғ ёзувчи маълум муддат яшаган ҳужрасида ташкил этилган доимий кўргазмадан муносиб жой олган.

Неъмат Ҳакимов халқ севган адиб қиёфасини тасвирлаш борасида кўпдан буён изланмоқда. Шу давр мобайнида Абдулла Қодирийнинг қаламчизги, рангтасвир ва ҳайкалтарошликда акс эттирилган кўплаб портретларини ишлади. Ёзувчини кўрган билган кишилар билан мулоқотда бўлди. Машқларини уларга кўрсатиб қимматли маслаҳатларига қулоқ тутди. Натижада машаққатли ижодий меҳнат эвазига бунёд бўлган А. Қодирийнинг яна бир портрет-ҳайкалининг мазмун, шакл ва маҳорат даражаси бўйича анча пухта, ишонарли ишланган намунаси юзага келди. Ҳайкалтарош образ ички дунёсини ва ташқи кўринишини ўзаро узвийликда ифодалашга ҳаракат қилган. Тасвирий шакл яратишнинг унумли синалган воситаларини қўллаган. Ҳайкал муаллиф томонидан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтига совға қилинди.

СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси, «Медицина» нашриётининг бош мусаввири Неъмат Ҳакимов айни пайтда китоб безаш ишлари билан ҳам шуғулланмоқда, унинг ижодий фаолият майдони тобора кенгайиб бормоқда.

Баҳром ТОЖИЕВ.

## ФИНЛЯНДИЯ МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ҳунар-техника таълими ходимларининг Финляндиядан келган делегация аъзолари билан учрашувида ёш ишчиларга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Фин мутахассислари ташрифидан кузатилган мақсад Ўзбекистонда ҳунар-техника мактабининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари билан танишишдан, малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тажрибасини ўртоқлашишдан иборат. Учрашувда ҳунар-техника таълими системаси ўқув юртларининг ишини такомиллаштириш муаммолари, ижтимоий шароитларни яхшилаш ҳамда ҳунар-техника билим юртлари муаллимлари ҳамда ўқувчиларининг дам олишини уюштириш йўллари муҳокама қилинди.

Фин мутахассислари Тошкентдаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юртида бўлдилар, Самарқандга сафар қилдилар. (ЎзТАГ).

### Диққат: янги ойнома!

# «МУЛОҚОТ»

Янги, 1991 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Мулоқот» деб номланган журнали чиқа бошлайди. Ўзбек тилида нашр этиладиган бу ижтимоий-сиёсий ва бадиий-публицистик ойнома ўз олдига қандай мақсадларни қўяди?

Жамиятимизда рўй бераётган инқилобий янгиланишлар жараёнида хайрли ўзгаришлар билан бирга муаммолар ҳам кўзга яққолроқ ташланмоқда. Муҳими, жамият ақидапарастлик каби иллатдан қутулиб инсоний қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар ўз ўрнини топмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз асосида инсон омили мужассам. Демократия ва ошкоралик шамоли ҳаётимизнинг карахт бўлиб ётган жабҳаларини ҳаракатга келтирди. Натижада, иқтисодиётга, ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий масалаларга янгича талаблар асосида ёндашилаяпти.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида давр муаммолари очиқ-ойдин кўрсатилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар равшан белгиланди. Ана шу режаларни амалга оширишда «Мулоқот» журнали зиммасига ҳам катта масъулият юкланди.

Ойнома, аввало ҳаётимизнинг барча соҳаларида; сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий турмушимизда, маданиятда пайдо бўлган мураккаб жараёнлар хусусида муштарийлар билан баҳс юритади. Чиқишлар янгича фикрлаш асосида, ошкора мулоқот тарзида бўлади. Негаки, ҳақиқат баҳсларда юзага чиқади. Бугун баҳслар учун матбуотда кенг минбар берилган. Бироқ баҳсга эҳтирос, қизиққонлик қўшилса мақсадга эришилмайди. Шу боис, кишиларимизда мунозара юритиш маданиятини тарбиялаш, фикрларни илмий, сиёсий жиҳатдан далиллашга ўргатиш учун «Мулоқот» ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Ойнома социализм назарияси ва амалиёти, партия ташкилотлари ва халқ депутатлари Советлари, турли жамоатчилик ташкилотларининг янгиланиш жараёнидаги фаолиятига халқ муносабатини ошкора баён этиб боради.

Ошкоралик ва демократия талабига кўра вақтли матбуотимиз учун фикрлар хилма-хиллиги яхши анъанага айланиб бормоқда. «Мулоқот» ҳам шу қоидага амал қилади. Жарида зукко, фикр доираси кенг, истеъдод эгалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатади. Халқ ташвишларини, дарду қувончларини акс эттирган, қалб ҳарорати билан суғорилган мақолаларга кенг ўрин беради. Унинг саҳифаларида социализм назарияси ва амалиётга оид ўткир масалаларга тааллуқли муқобил қарашлар билан бирга миллатлараро муносабатлар борасидаги муаммолар атрофлича ёритилади.

Жамиятдаги муҳим ўзгаришлар масъул лавозимлардаги кишилар кўраётган амалий тадбирларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун жумҳурият партия ва ҳукумат раҳбарлари, вазирликлар ва бошқа идораларнинг мутасаддилари, таниқли адабиётшунослар, фан, санъат арбоблари билан жонли мусоҳабалар уюштиришга алоҳида эътибор берамиз. Шубҳасиз, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, партия ва меҳнат ветеранлари, талабаларнинг дил сўзлари битилган мактубларини мунтазам ўқийсиз. Адлия органлари ишидан халқимиз жуда норози эканлиги маълум. Қонунчиликка асосланадиган давлатни ташкил этиш учун кенг кўламда ҳаракат бошланган айни пайтда адлия органлари фаолиятида янгиланиш сезилмаётир.

«Мулоқот» адолатни қарор топтириш, қонунчиликни изга солиш ишига муштарийлар билан маҳкам бел боғлайди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш учун кураш асосий мавзулардан бири бўлиб қолади.

Кўпгина саҳифалардан ўрин оладиган «Ким? Нима? Қаерда? Қачон?» тарзидаги савол-жавоблар, Сизлар, азиз муштарийларга манзур бўлиши табиий. Шунингдек, адабиёт ва санъат асараларидан намуналар, маданиятимиз тараққиётига оид илмий-оммабоп мақолалар, адиб ва мунаққидлар мусоҳабалари ҳамда ҳажвий асарларни мунтазам бериб борамиз.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
«Мулоқот» журналининг бош муҳаррири.

**МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!**

**Сизларни халқ минбари — «Мулоқот» журнали саҳифаларида фаол иштирок этишга чорлаймиз. Манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент-II, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.**

**Обуна баҳоси: бир йилга 7 сўм 20 тийин, олти ойга 3 сўм 60 тийин.**

**Ойнома индекси 75401. Обуна «Союзпечать»нинг барча идораларида, Сиз истаган муддатга қабул қилинади.**

## СПОРТ АХБОРОТИ

### ИЛК ҒАЛАБА

Совет футболчилари бўлажак Европа биринчилигининг саралаш учрашувларини бошладилар. Норвегия терма командаси уларнинг илк рақиби бўлди. Бу матчга қизиқиш катта эди. Негаки, мамлакатимиз терма командасининг тренерлари қайта сайланди. Улар футболчилармиз таркибини сараладилар. Иқтидорли ёшларни жалб этишди. Бу ўринда Москванинг «Динамо» командасидан Чернишев, Донецкнинг «Шахтёр» коллективидан Канчельскис, Одессанинг «Черноморец» клубидан Гецко ва бошқаларни тилга олиш керак. Улар бош командамиз таркибида илк бор майдонга тушдилар. Бу ўзини оқлади. Ёшлар фаол ҳаракат қилдилар. Донецклик Канчельскис биринчи бўлимнинг 22-дақиқасида меҳмонлар дарвозасини ишғол этиб, ҳисобни очди. Киевлик динамочи Кузнецов эса иккинчи бўлим бошларида ҳужумга етиб келиб, Добровольский томонидан узатилган тўпни боши билан дарвозага йўллади.

Меҳмонлар ҳам ёмон ўйнамадилар. Улар қулай муддат келиши билан мамлакатимиз терма командаси дарвозасига таҳдид солиб туришди. Айниқса уларнинг дарвозабони ва ҳимоячилари маҳорат кўрсатдилар. Улар бехато ўйнаб, футболчиларимизнинг кўпдан-кўп ҳужумларини муваффақиятли бартараф этишди.

Шу тариқа СССР терма командаси 1992 йилда бўладиган Европа биринчилигининг илк саралаш учрашувини 2:0 ҳисобида ғалаба билан якунлаб, бўлажак баҳсларга пухта замин яратди. Олдинда яна бир неча матч бор. Ўйлаймизки, футболчиларимиз уларни ҳам муваффақиятли ўтказиб, кўп сонли ишқибозларини хушнуд этадилар.

### БЎШ КЕЛМА, «НЕФТЯНИК!»

Иккинчи лиганинг шарқий зонасида навбатдаги турдан сўнг икки команда пешқадам бўлиб олди. Уларнинг бири Фарғонанинг «Нефтяник» коллективидир. Ҳамюртларимиз бу турда Туркманистоннинг «Копетдоғ» командаси билан сафарда ўйнашди. Учрашув кескин кураш остида ўтди. Шуни айтиш кифояки, дарвозалар тўрт бор ишғол этилди. Командалар икки мартадан тўп киритдилар. Натижада 2:2 ҳисобида дуранг натижа қайд этилиб, очколар баҳам кўрилди.

Бу учрашувдан сўнг «Нефтяник» жамғарган очколар 40 тага етди. Команда тўплар нисбатига кўра биринчи ўринни банд этиб турибди.

Иккинчи ўринда бораётган «Океан» командаси ҳам бу турда дуранг ўйнади. Коллектив Омскнинг «Иртиш» клуби билан бўлган матчни 2:2 ҳисобида якунлади. «Океан» ҳам 40 очко тўплади. Аммо «Нефтяник»ка нисбатан бир учрашувни кам ўтказган.

Наманганнинг «Навбаҳор» командаси улардан бир очко орқада бормоқда. Демак, бу коллектив ҳам ўз зонасида ғолиб бўлиш имкониятига эга.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

## Ойнаи жаҳонда

15 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

● ЎзТВ I

10.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

11.00 «Министр бўлмоқчиман». Бадиий фильм («Мосфильм»).
12.30 «Ўзбек спортчилари жаҳон чемпионатида».
13.00 Пиримқул Қодиров. «Жон ширин». Видеофильм.
13.55 «Шарқ либоси фестивали».
14.40 Ёш ижрочилар концерти.

**Тижорат кўрсатуви**

15.20 «Давр талаби». Самарқанд вилояти Пойариқ ноҳиясидаги Крупская ва «Соҳибкор» номли хўжаликларидаги ишлаб чиқаришнинг илғор усуллари ҳақида.

* * *

18.05 «Ҳосил байрами». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Буюк муҳаддис». Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
23.00 «Хотира». СССР халқ артисти Шукур Бурхонов таваллудининг 80 йиллигига.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).
11.10 «Хореографик новеллалар». Фильм-концерт.
12.15 «Қайноқ қалб оҳанглари». Телефильм.

* * *

17.40 Кўрсатувлар тартиби.
17.45 «Китоблар викторинаси». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув.
18.15 «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).
19.30 «Новости».
19.45 «Насиба». Фильм-концерт.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Афғонистон менинг қалбимда».
22.00 «Ахбор».
22.15 «Театр учрашувлари». Ғолиб Исломов — М. Воҳидов номли ёшлар театрининг актёри.
23.15 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Помир» (Душанбе) —«Арарат» (Ереван).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Игорь Бриль диалоглари». Фильм-концерт («Экран»).
8.33 «Онам, дадам ва мен».
9.03 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа.
10.05 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
10.35 Свердловск опера театри таклиф этади. Свердловскдан кўрсатилади.
11.15 «Пи» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа саҳифаларида.
12.15 «Бурда моден» таклиф этади...
12.45 «Келажак вариантлари». Телевизион ҳужжатли фильм.
13.45 «Рябинушка» вокал триосининг концерти.
14.00 Шоу-Кейс бизда меҳмонда. СССРда АҚШ ҳужжатли киноси кунлари.
15.00 «Кичкинтой ва Карлсон», «Карлсон қайтиб келди». Мультфильмлар.
15.40 «Ким аслида ўзи ким?». «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан.
16.55 Бутунроссия конкурсининг лауреати С. Лукин чалади (домра).
17.10 «Халқаро панорама».
17.55 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Криминал истеъдод». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси).
20.30 «Время».
21.00 СССР ҳукуматида.
21.10 И. Штраус. «Лўлилар барони» опереттасидан вальс.
21.20 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Спартак». «Торпедо» стадионидан кўрсатилади.
23.00 1990 йил қўшиқлари.
00.05 «ТСН».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 Москва хореографик коллективларининг концерти.
8.25 Мультфильм.
8.40 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Асли ўзинг қаерликсан?». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кам сонли халқларнинг муаммолари ҳақида (Рига).
9.10 «Боғда мусиқа янгради». Давлат ёшлар театрининг спектакли (Ленинград шаҳри).

●

10.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 Рус тили.
17.00 Хоккей. «Крилья Советов» (Москва) — «Миннесота норд старз» (АҚШ) командаларининг ўртоқлик учрашуви.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кунгабоқардаги шер боласи». Мультфильм.
19.45 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Трошкин фильмлари: «Серқуёш ой», «Перу фожиаси», «Охирги десант» («ЦСДФ»).
20.30 «Время». (сурдо таржимаси билан).
21.00 РСФСР Олий Советі сессиясининг кундалиги.
22.00 **СССР Олий Совети сессиясининг кундалиги.**
22.30 «Матбуот клуби».

**Тунги сеанс**

00.30 «Ботқоқликда». «Полициянинг телефон номери «110» туркумидан телевизион бадиий фильм (ГДР телевидениеси).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1264. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12